● СИНОВ МАШҒУЛОТЛАРИДАН ДАРАКЛАР

# Кўзланган маррага етажак

Жавлоннинг эгнига аскарлик либосини кийиб, бурчини ўтай бошлаганига ҳам бир йил бўлиб қолибди. Дастлаб унга командирлари «оддий аскар Исмоилов», дея мурожаат қилишганда, қалби ҳаяжондан энтиккандн. Ҳарбий либос кийганидаги ҳаяжонини-ку қўяверинг. Худди ана шундайин лаҳзаларда у ўз-ўзига сўз берганди: «Ватаним, халқим олдидаги бурчимни шараф билан ўтайман».

Оддий аскар Жавлон Исмоилов қўриқлаш взводида хизматини бошлади. Маълумки, қоровуллик хизмати ўта масъулиятли вазифалардан ҳисобланади. Дейлик, қоровуллик хизматини ўтаётган соқчи ўз постини сергаклик билан қўриқлаши, кўрсатилган йўналиш бўйича ҳаракат қилиб, постга келадиган йўлларни, тўсиқларни диққат билан кузатиши, пост рақамида кўрсатилган вақтларда алоқа воситалари орқали хизматнинг бориши тўғрисида хабар бериши лозим. Қисқаси, шу каби вазифалар сафдошлари каби Жавлонга ҳам пухта тушунтирилди. Сўнгра у соқчиликка турди. Илк бора бу жанговар вазифани бажарганида, авиация техникаси ва қурол-аслаҳаларини қўриқлаганида бари рисоладагидек ўтди. Командирлари ўргатганидек, низомларда ёзилганидек қилиб бажарди ўз вазифасини. Тўғри, у ёки бу камчиликлар ҳам бўлди. Аммо аста-секин кўникма ҳосил бўлди.

Ўтган йилнинг ноябрь ойи, йигирманчи санаси. Оддий аскар Жавлон Исмоилов қоровуллик хизматини ўташ учун тунги сменага тушди. Об-ҳаво совиб, қиш ўз ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилаётган пайтлар. Бунинг устига тунги қоровуллик сергаклик, ҳушёрликни икки ҳисса оширишни талаб этади. Қоровул бошлиғи лейтенант С. Орипов унга яхшилаб инструктаж ўтди. Пост рақами бўйича вазифани яхшилаб тушунтирди. Гарчи буларнинг бари аскар учун ёд бўлиб кетган бўлса-да, вазифаларни яхшилаб тинглади, кўрсатмаларни миясига жойлади. Хуллас, Жавлон қоровуллик хизматини бажаришга киришди. Чалғимасдан, сергаклик билан бурчини ўтай бошлади. Тонг отишига яқинлашиб, соат чамаси 5:20 ларда тақиқланган чегара томон келаётган тартиббузарни сезиб қолди у. «Тўхта, орқага» талабини ҳам бажармагандан кейин, посбон «Тўхта, отаман», деган огоҳлантириши билан уни тўхтатди. Шундан сўнг алоқа воситаси орқали дарҳол қоровул бошлиғини чақирди. Лейтенант С. Орипов ва қоровул шахсий таркиби зудлик билан етиб келишиб, тартиббузарни қўлга олишди. Ҳушёрлиги, сергаклиги, ўз вазифасига виждонан ёндашгани учун оддий аскар Ж. Исмоилов муносиб тарзда рағбатлантирилди.

Ҳа, Тошкентнинг Юнусободидан муддатли ҳарбий хизматга келган бу ўғлон мардлик, матонат кўрсатиб бурчини ўтаётир. Шу ўринда айни пайтда кўтаринки руҳда давом этаётган синов машғулотларидан сўз очсак. Таъкидлаш жоизки, оддий аскар Исмоилов саф кўриги, ижтимоий-сиёсий машғулотлардан юқори натижаларни қўлга киритди. Бу эса сафдошларини ҳам илғорликка ундаётир. Ишончимиз комилки, посбон барча тайёргарликлар бўйича синовларни кўтаринки руҳда топшириб, кўзланган маррасига етади. Кўзланган марра эса юртнинг асл посбони бўлиш.

Капитан Ш. ТОЛМАСОВ.

● ПИСЬМО К МИНИСТРУ

# СПАС ОФИЦЕР МАЛЬЧИШКУ

**Не так давно в адрес Министра обороны Республики Узбекистан Кадыра Гуламова поступило письмо от жителя города Нукуса Куата Айтпанова. И оно тут же было направлено в редакцию с резолюцией «Подготовить к публикации». Чем было вызвано это решение главы военного ведомства?**

Как вы правильно догадались, ответ, прежде всего, в самом заголовке — родитель просил Министра передать офицеру благодарность за спасение его сына. Впрочем, предоставим слово автору письма.

«В прошлом году летом мой трехлетний сын Адилбек купался в озере. Случилось непредвиденное, когда он оказался на расстоянии от берега и стал тонуть. Находившийся неподалеку от места происшествия молодой человек не только спас мальчика, но и оперативно оказал первую помощь. Благодаря этому Адилбек, уже не подававший признаков жизни, пришел в чувство. Он жив и здоров.

Мы были слишком потрясены происшедшим, а когда пришли в себя, то спасителя уже не было рядом. Только после долгих поисков мы узнали, что это был лейтенант Азамат Абдикеев, проходящий службу в Самарканде и бывший у нас в командировке.

**Уважаемый Кадыр Гафурович! Спасибо Вам за воспитание таких молодых офицеров. Мы еще раз убедились лично, что в наших Вооруженных Силах проходят службу самые достойные, благородные и смелые молодые люди, готовые в трудную минуту протянуть руку помощи окружающим».**

Вот такое послание. Кстати, когда мы связались с командованием части, где служит офицер, там положительно отозвались о нем. А сам лейтенант на предложение более подробно рассказать о его благородном поступке, ответил: «Так на моем месте поступил бы любой воин. Ведь защитник Родины — это и защитник любого ее гражданина, от такого крохи, как Адилбек, и до седовласого аксакала».

Наша газета уже писала о двух офицерах из Чирчика, также спасших тонущего ребенка. И мы не сомневаемся, что каждый защитник Родины и в мирное время готов к самопожертвованию и подвигу.

Майор А. КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».



Шартнома бўйича хизмат старшинаси Муҳаммаджон Йўлдошев шундай дейди:
— Оддий аскарлар Раҳимбой Қосимов ва Илёс Солиевларнинг оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш тайёргарлиги мени жуда хурсанд этяпти.

Н. ЮСУПОВ олган сурат.

## ПУЛИ ЛОЖАТСЯ В ЦЕЛЬ

Прежде чем подчиненные лейтенанта И. Хакимова выехали на выполнение учебных стрельб из автомата, под руководством сержанта И. Нарзуллаева они не раз повторили правила стрельбы, еще раз ознакомились с мерами безопасности, провели состязания по выполнению нормативов.

Самые высокие результаты по разборке и сборке автомата показал рядовой У. Сабиров. Не отставали от него и другие артиллеристы.

К месту проведения стрельбы подразделение прибыло, совершив марш-бросок. В реальном бою обязательно умение вести огонь и после большой физической нагрузки. Среди первых на огневой рубеж вышел рядовой У. Хамраев. Отличный стрелок, он взял на себя высокие обязательства и захотел на личном примере показать сослуживцам, как правильно вести огонь. Быстро справившись с волнением, Умид уверенно поразил все цели, показав высокий результат.

Время для стрельбы жестко ограничено. Несколько минут — и пора покидать огневой рубеж. Для большинства воинов-артиллеристов этого подразделения эти минуты, можно сказать, стали самыми ответственными, ведь экзамен на боевую зрелость необходимо сдать только успешно.

Младший лейтенант
Х. МИРЗАЕВ,
корр. «Ватанпарвара».

● В ПОДРАЗДЕЛЕНИЯХ ОБЕСПЕЧЕНИЯ

# ТЕХНИКИ ГОТОВЯТСЯ ВСЕСТОРОННЕ

**Со всей серьезностью была развернута подготовка к сдаче контрольной проверки за учебный период в воинском коллективе технического взвода, где командиром лейтенант Саъдулло Арипов.**

— Молодому офицеру, лишь год назад закончившему Самаркандское ВВАКИУ, удалось сплотить подчиненных на успешное решение поставленных задач по обеспечению полетов военной авиации, жизнедеятельности части в целом,— так отозвался о лейтенанте С. Арипове командир авиатехнической базы подполковник Алишер Алимов.— Считаю, что при условии сохранения такого отношения к долгу у него неплохие перспективы служебного роста.

Полным ходом шла во взводе и работа по переводу техники на режим эксплуатации в летних условиях. Ежедневно по 3—4 машины отправлялись в ТЭЧ, откуда выходили почти как новенькие — помыты, покрашены, отлажены, в системах смазки и охлаждения произведены замены на летние марки.

В соревновании на звание лучшей во взводе уверенно лидирует автомобильная группа под командованием старшины по контракту Аскара Наимова — машины постоянно находятся в готовности, подразделение обслуживает многие отрасли деятельности части — от боевой учебы и до санитарной службы.

Однако уже летом автомобилистам станет трудно сохранить лидерство — основная часть водителей весной увольняется в запас. Чтобы смягчить последствия смены опытных солдат на новичков, начальник автослужбы части лейтенант Зокир Аллаев, командир взвода и начальник КТП прапорщик Чори Хожиев взяли под особый контроль процесс стажировки водителей, готовящихся заменить опытных сослуживцев.

В числе воинов, претендующих на звание лучшего водителя, в автомобильной группе назвали рядовых Хожиакбара Пулатова и Мурода Курбанова, в группе заправки горючим — рядовых Комила Юсупова и Абдурашида Усманова, в электрогазовой — рядовых Ислома Абдурахманова и Иброхима Исомова. Среди названных есть и наставники, и преемники боевых традиций. Так, Усманов будет сдавать свою машину Абдурахманову, Юсупов — Исомову, лишь у Курбанова эстафету примет рядовой Абдурахмон Шарипов, являющийся на сегодня водителем-слесарем в ремонтной группе.

Ремонтники, которыми командует старший прапорщик Багир Касымов, тоже вносят весомый вклад в успехи взвода. Так, в устранении неисправностей неоценим труд сварщика-вулканизаторщика рядового Абдухамида Маметова. Парень из Бектемирского тумана столичного вилоята за год службы стал настоящим классным специалистом. На зарядной аккумуляторной станции дают «вторую жизнь» аккумуляторным батареям прапорщик Гайрат Гаипов и рядовой Озод Юлдашев.

Активное участие коллектив технического взвода принял и в прошедшем месячнике безопасности дорожного движения — здесь были проведены занятия по предупреждению дорожно-транспортных происшествий (ДТП), технической подготовке с обязательной сдачей зачетов. Впрочем, и после месячника эта работа не прекращена — каждую среду во взводе проводят День водителя, когда первые два часа боевой учебы посвящены отработке знаний по правилам дорожного движения, материальной части техники.

Помимо добротно организованного учебного процесса и строгого контроля за дисциплиной еще одной составляющей успеха подразделения является опора на солидную прослойку военнослужащих по контракту. Такие профессионалы, как сержанты Рустам Хайдаров и Рустам Рашидов, не только сами хорошо обслуживают и эксплуатируют вверенные автомобили, но и обучают этому воинов срочной службы.

Одним словом, личный состав взвода всесторонне готовится к сдаче предстоящей проверки. А это вселяет надежду на то, что испытание они выдержат с честью.

Майор А. КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара»

БУ ҚИЗИҚ

## ҚОН ГУРУҲИ ВА ХУЛҚ-АТВОР

**1-гуруҳ қонли эркак.**

У бирор нарсага бошқаларни қизиқтириб, йўлдан уришга устаси фаранг. У бошқа бировга сизни ёмонлаб, кўнгил совута оладиган хусусиятга эга. У аёллардаги куттириш, умидвор қилиш каби хислатларни хуш кўради. Бироқ аёлнинг кўнглини олишда уста бўлган бундай эркак ҳақида чиндан ҳам аёл «дунёда бундан ҳам дилхуш эркак бўлмаса керак», деган фикрда бўлади.

**1-гуруҳ қонли аёл.**

Бундай аёлларга қўллари мустаҳкам, қучоқлаганда сезилиб турадиган эркаклар ёқади. Бу гуруҳдаги аёллар ўта жозибали, рашкчи бўлишади. Мабодо эри бирор аёлга кўз ташласа, кечиришмайди.

**2-гуруҳ қонли эркак.**

Бу тоифа эркаклар уятчан бўлишади. Улар бирор иш қилгудек бўлишса, тезда бир қарорга келишади.

**2-гуруҳ қонли аёл.**

Бу аёллар феълли бўлишади. Улар орият, шубҳа маликалари. Улар анча муддат ишқ-муҳаббатсиз ҳаёт кечиришга қодир инсонлардир. Агар бирорта йигитни севиб қолса, ўзини тезда топшириб қўядиган эмас, қачонки муҳаббатлар ойдинлашса, у вафодор бўлади.

**3-гуруҳ қонли эркак.**

У ўзини хотинбоз ҳисобламаса-да, атрофдагилар уни шунақа феълли шахс деб ўйлашади. У севгидан қўрқади. Шунинг учун кўп ёлғон гапиради. Бу йўл билан яшаб бўлмаслигини ўзи ҳам сезиб қолади. Унга ишонса, суянса бўлади.

**3-гуруҳ қонли аёл.**

У ўзининг ғалати қилиқлари орқали севгисини яширади. Севиб-севилиш, эркалаш унинг учун асосий мақсад эмас. У эридаги майлни ўзига қаратиб олсагина, эрининг шундай хотини борлигидан кўнгли қувнайди. 3-гуруҳдаги аёллар ўз ёрига ўта садоқатлидир.

**4-гуруҳ қонли эркак.**

Бундай эркаклар аёлларни ўзларига тез оғдириб олиш қобилиятига эга бўлишади. Улар байрамларда, туғилган кунларда аёллар билан тез-тез муносабатларда бўлишни хуш кўришади. Севги-муҳаббатдан кўп сўз очадилар. Кимки унинг раъйини қайтарса, ўша одам унинг душмани ҳисобланади.

**4-гуруҳ қонли аёл.**

Бу тоифа аёллар ишратпараст бўлади. Рашк қилмайдилар. Ёнида ҳамиша эркаклар бўлишини ва улар билан базми жамшид қилишни хуш кўрадилар.

**З. ИСАКОВА** тайёрлади.

## «САРХУШ» ҚОФЕ ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ?

Кофе навлари етиштириладиган жойларига қараб учга бўлинади: Лотин Америкаси, Осиё ва Африка кофелари.

Колумбия кофеси дунёдаги энг зўр кофелардан бири, деб тан олинган. Гондурас кофеси эса шунга яқин, фақат бир оз аччиқроқ таъмга эга. Мексика кофеси қуруқ оқ винони эслатади. Коста-Рика кофесига эса лотин американликларнинг ўзлари «куйдирувчи» кофе, деб ном беришган.

Осиё кофеларидан энг машҳури Яванинг тропик ўрмонларида етиштириладиган кофе бўлиб, ундан ювилган арабика олиш учун махсус ишлов беришади. У бир оз шоколад таъмига эгадир.

Индонезия арабикаси ноёб ва қимматбаҳо кофе нави бўлиб, бир оз ёнғоқ таъмига эгадир.

Арабистоннинг бетакрор иқлими моқко манбаи ҳисобланади. У ўткир вино — мева таъмига эга бўлиб, ёнғоқ шоколадли таъмни ҳам беради. Бир оз аччиқлилиги эса ичимликка ажойиб таъм беради.

Африка навларидан энг машҳури арабика бўлиб, хусусиятларига кўра мутахассислар уни энг яхши кофелар қаторига киритишган. У ўзига хос вино таъмини эслатади. Дамламаси қуюқ бўлиб, таъми узоқ сақланади. Арабиканинг энг яхши нави Эфиопия иргочифидир.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

## МЕҲМОН ҚУТИШ ОДОБИ

Меҳмонга бирор нарса узатишда «мана», «манг», «мана ушланг» каби иборалар билан эмас, «қани марҳамат қилсинлар» тарзида мурожаат этилса яхши бўлади. Нарса меҳмонга унинг чап томонидан ёки олд томонидан келиб, табассум билан ўнг қўлда берилади. Чой тутганда эса пиёлага яримроқ қуйиб, жаранглатиб чертиб ёки кафт устига қўйиб узатилади. Агар меҳмон бирор нарсани қўлидан тушириб юборса, синдириб ёки бузиб қўйса, бунга эътибор бермаслик керак. Халқимизда «Меҳмон жабр қилса ҳам, мезбон сабр қилур», деган мақол бор. Меҳмон тасодифан бирор идишни синдириб қўйганидан ёки дастурхонга бирор нарса тўкиб юборганидан қаттиқ хижолат тортади. Агар шу пайт мезбоннинг пинаги бузилса, бу жуда ҳам хунук бўлади... Билингки, меҳмонлар мезбонни қандай таомлар билан зиёфат қилганига қараб эмас, зиёфатни қандай уюштирилганлигига қараб баҳолашади.

**З. ИСАКОВА** тайёрлади.

18 АПРЕЛЬ—ХАЛҚАРО ЁДГОРЛИКЛАР ВА ТАРИХИЙ ЖОЙЛАРНИ АСРАШ КУНИ

# Ўзидек улуғвор обидалар

1993 йил Ҳиндистон Оммавий ахборот воситалари институтига малака оширишга борганмиз. Яна кўплаб мамлакатлардан мазкур курсга журналистлар келишган. Маълумки, ўша йиллар Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини белгилаб, жаҳонга энди қайтадан юз очаётган эди. Шу боис ҳам айрим халқлар, миллатларнинг мамлакатимиз ҳақида тасаввури камлигини тушунса бўлади. Курсдошларнинг «Ўзбекистон...? Қаерда у, қаерда жойлашган?» қабилидаги саволларидан хафа бўлмадик. Аксинча шу баҳона жаннатмакон юртимизни таъриф-тавсиф қила кетдик. Гап Бухоро, Самарқанд, Хивага бориб тақалганда, уларнинг айримлари «о'кей, о'кей, биз дунёга машҳур бу тарихий шаҳарларни яхши биламиз. Ҳатто бориб кўрганмиз ҳам. Бошидаёқ шуни айтмайсизларми?», деб юборишди кўзлари чақнаб. Бу мисолни бежиз келтирмаяпман. Дунёда юртлар кўп, миллат, элатлар-да. Аммо ёши неча-неча асрлар, минг йилликлар билан бўйлашган, жаҳон маданияти хазинасидан муносиб ўрин эгаллаган тарихий обидаларимиздек улкан бойликлари бор мамлакатлар кам. Биз бундан ҳар қанча фахрлансак арзийди.



Тан олиб айтиш керакки, истиқлолга эришгач, тарихий ёдгорликларимизни, муқаддас қадамжоларимизни асраб-авайлашга эътибор кучайди. Ахир, бу бойликларни келгуси авлодларга ҳам асл ҳолича етказиш муҳим вазифалардан бири-да. Бу борада Республика Маданият ишлари вазирлиги ҳузуридаги маданий ёдгорликларни сақлаш, фойдаланиш ва таъмирлаш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармасининг фаолияти мақтовга сазовор. Қолаверса, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги қонун мазкур йўналишдаги эзгу ишларни мувофиқлаштириб келаётганини таъкидласа арзийди.

Биз юқорида дунёга машҳур уч қадимий шаҳарни мисол қилдик. Булардан ташқари яқинда 2500 йиллиги нишонланган кўҳна Термиз, тез орада қутлуғ 2700 йиллик тўйи тантана қилинадиган Шаҳрисабздек шаҳарларимиз ҳам борки, улар жаҳон маданий ёдгорликлари дурдоналари қаторидан жой олишган. Умуман олганда, ҳозирда республикамизда 5 минг 877 та меъморий ва тарихий обидалар рўйхатга олинган. Шулардан 2248 таси меъморлик, 2195 таси археологик, 101 таси тарихий ва 1333 таси монументал санъат намуналари ҳисобланади. Буларнинг аксарияти шўролар даврида хароба ҳолга келиб қолганди. Айнан истиқлол сабаб Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарларидаги маданий, тарихий обидаларимиз ЮНЕСКОнинг «жаҳон маданий мероси» рўйхатига киритилди. Дунёга машҳур бу тарихий шаҳарларимиз тўйларини жаҳон миқёсида нишонлаш анъанасининг шаклланиб бораётгани қалбларни фахрга, ғурурга кўмади. Ҳа, жаҳон аҳли Ўзбекистонни ана шундайин улуғвор тарихий обидалари, буюк келажак сари ташлаётган дадил одими билан қайта кашф этмоқда.

**Капитан А. САФАРОВ,**
**«Ватанпарвар» мухбири.**

МАШҲУР КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

## СЎНГГИ ДАРС

Немис химиги Эгон Виберг ўз лекцияларидан бирини шундай сўзлар билан бошлади:

— Ўртоқлар, мен бу дарсимни хлор гази билан бўладиган тажрибаларни намойиш қилишдан бошламоқчиман. Хлор — бу жуда заҳарли газ. Агар тажриба вақтида мен хушимдан кетиб қолсам, марҳамат қилиб, ташқарига — тоза ҳавога олиб чиқинглар ва шу билан бугунги лекцияни тугади, деб ҳисоблайверинглар.

**Ш. ОТАБЕК** тайёрлаган.

ҲАЙВОНОТ ОЛАМИДА

## Бу ғаройиб балиқлар



Дунёда энг тез сузадиган балиқ елканли балиқ бўлиб, шамол турганда у баланд орқа сузгичидан елкан сифатида фойдаланиб, соатига 130 километр тезликда суза олади.

Найза-балиқ ҳам соатига 130 километр тезликда суза олади. У катта кемаларга ҳам ҳужум қилиб, найзаси билан кема бортини тешиб юбориши мумкин.

Тўрт қанотли учар балиқ сув ичида соатига 30 километр тезликда сузади, сув юзида эса соатига 60—65 километр тезликда сирпаниб бориб, сузгичларини ёйганича ҳавога кўтарилади. Одатда 140—150 метр, баъзилари эса 200—400 метргача парвоз қила олади.

* * *

Африка дарёларида «момақалдироқ» деб аталадиган электрли лаққа балиқлар мавжуд. Бу балиқларнинг электр қуввати 360 В кучланишгача етади. Африка халқлари ундан табобат мақсадларида қадимдан фойдаланиб келишади. Жанубий Америкадаги дарёларда электр илон балиқ яшайди. У вольтметр стрелкасини 550 В гача оғдиради.

* * *

Диаф номли балиқнинг нур чиқарадиган ялтироқ органи (фотофор) кўзи атрофига ўрнашган бўлиб, усти таначанинг ўзгаришидан юзага келган линза билан қопланган. Бу линзанинг остида ярим ой шаклидаги парда аниқ кўриниб туради, у ёруғлик кучини ва йўналишини ўзгартириб туради.

Бўйи 25 см. лик мичман балиқнинг танасида қатор ўрнашган ёруғлик чиқарувчи аъзолари бор. Бу балиқни ўртага қўйиб, ёруғида бемалол газета ўқиш мумкин.

Шам номини олган балиқ ҳам бор. Унинг танасида мой кўп, қадимда ундан пилик ўтказиб, шам қилиб ёқилган.

Тўрт кўз балиқ сув юзида яшайди. Ҳар жуфт кўзи эпителиал тўсиқ билан горизонтал равишда бўлинган. Бу эса балиққа юқори кўзлари билан сув юзини, пастки кўзлари билан сув остини кузатиб туришга имкон беради.

* * *

Малай архипелагида фонус кўз деган майда балиқ яшайди. Кўзининг остида ичи ёруғлик «батарея»лари билан тўла пайчалардан иборат безлар бор. балиқ ўз ихтиёри билан уни ёқиш ва ўчириш хусусиятига эга. Бунинг учун фонус кўз махсус мускули ёрдамида ёруғлик безини олдинга айлантириб, ўз йўлини ёритади ёки безни орқага айлантириб, қоронғида кўзга кўринмай қолади.


◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆ 56-54-76 ◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ**

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 16 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/**

**1 АҚШ доллари 703,03**

***/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**


ПОЗДРАВЛЕНИЕ

**Поздравляем с днем рождения подполковника МУМИНОВА Рустама Азимовича, желаем крепкого здоровья, семейного благополучия и успехов в работе.**

*Жена и дети.*

КУПЛЮ

◆ Холод., мороз., БК, шв. маш., овер., газ. пл., ТВ. Т.: 90-73-29.

◆ Холод., шв. маш., ТВ, в/маг., газ. пл., БК, велосипед, ст. маш. «Киргизия», раб. и нераб. Т.: 74-95-15, 75-59-73.

◆ ВМ-12, «Комету-225», магнит., усилит., АС. Т.: 78-56-34, 56-27-39.

ПРОДАЮ

◆ Холод., мороз. Т.: 90-99-29.

РАЗНОЕ

◆ Требуется водитель. Т.: 56-32-53, 56-15-71.

НЕДВИЖИМОСТЬ

◆ Продается 2-х комн. кв. в кирпич. доме, ср. рем., 1-й этаж около муз. шк. № 4 в районе Тезиковки или меняется на автомобиль «Тико», «Нексия». Т.: 90-24-02.

